

МАҲСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТНОМАСИ № 104

Урганч шаҳар

29.11.2022 йил

«ART CARONA» ХК бундан буён матнда «Сотувчи» деб аталувчи номидан раҳбари Э.Сапаров фаолиятини амалга оширувчи бир томондан ва Хоразм вилоят Перинатал маркази бундан буён матнда «Харидор» деб аталувчи номидан раҳбари С.А.МАТЯКУБОВА фаолиятини кўрсатувчи иккинчи томондан, қуйидагилар тўғрисида ушбу шартномани тузишди.

1. Шартнома предмети

1.1. «Сотувчи» ўзига тегишли мол-мулкни «Харидор»нинг мулки қилиб (доимий хўжалик юритувчи ёки бутунлай бошқарувида) беради, «Харидор» эса мол-мулкнинг ҳақи тўлангандан кейин олиш мажбуриятини олади.

1.2.

№	Маҳсулот тури	Ўл. бир.	Миқдори	Нархи	Умумий қиймати
1	Матрас ватный	шт	280	220 000	61 600 000
2	Ёстиқ	шт	280	49 000	13 720 000
3	Адёл	шт	280	175 000	49 000 000
4	Постельного белья	компл	400	198 000	79 200 000
5	Ткан х/б	м	1000	45 000	45 000 000
	Жами:				248 520 000

2. Шартнома нархи, баҳоси, суммаси (қиймати)

2.1. Шартноманинг умумий қиймати: 248 520 000 (икки юз қирқ саккиз миллион беш юз йигирма минг) сўмни ташкил қилади. ККС суммаси 38897609 Ўттиз саккиз миллион саккиз юз тўқсон етти минг олти юз тўққиз сум ташкил қилади.

3. Тўлов шартлари

3.1. «Харидор» «Сотувчи»нинг ҳисоб-рақамига шартномада кўрсатилган маҳсулот миқдори суммасининг 30 фоизини олдиндан 5 банк иш кунда ўтказишни ўз зиммасига олади. Қолган 70 фоизи маҳсулот тўлиқ етказиб берилгандан кейин 5 банк иш кунда ўтказишни ўз зиммасига олади.

3.2. Тўлов тури: пул ўтказиш

4. Шартноманинг бажарилиш муддати

4.1. Шартноманинг 1.2-бандида кўрсатилган маҳсулот «Харидор»га шартнома имзолангандан кейин 28 кун ичида берилиши шарт.
4.2. Шартноманинг амал қилиш муддати: 2022 йил 29 ноябрдан 2022 йил «31» декабргача ўз кучида қолади.

5. Тарафлар ҳуқуқлари

5.1. «Харидор»нинг ҳуқуқлари:

5.1.1. Ушбу шартнома асосида белгиланган маҳсулотларни ўз вақтида ва сифатли маҳсулотни етказишни «Сотувчи»дан талаб қилишга;
5.1.2. «Сотувчи»дан шартнома шартларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик натижасида етказилган зарарни талаб қилишга ҳақлидир.

5.2. «Сотувчи»нинг ҳуқуқлари:

5.2.1. Ушбу шартнома асосида белгиланган маҳсулотлар учун олдиндан ҳақ тўлашни ва амалдаги шартнома ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисоб-китобларни амалга оширишни «Сотувчи»дан талаб қилишга;
5.2.2. «Харидор»дан шартнома шартларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик, маҳсулотни қабул қилишда асоссиз равишда рад қилиш натижасида етказилган зарарни талаб қилишга ҳақлидир.

6. Тарафлар мажбуриятлари

6.1.1. Шартномада кўрсатилган талабларга риоя қилган ҳолда ўз вақтида «Харидор»га маҳсулотни бериш;

6.1.2. Тегишли даражада сифатли маҳсулот юборилганлиги тўғрисида билдириш (хабарнома) олгандан сўнг сифатли бўлмаган мол-мулкни 1 кун ичида алмаштириб бериш ёки ушбу шартноманинг 1.2-бандига асосан сифатли бўлмаган маҳсулот баҳоси миқдоридagi пул маблағини қайтариб бериш.

6.2. «Харидор» мажбурияти:

6.2.1. Маҳсулотни қабул қилиш далолатномасини тузган ҳолда ушбу шартномада ва қонун ҳужжатларида белгиланган бутлаш тартибига, сонига, сифатига қараб муддатида маҳсулотни қабул қилиб олиш;

6.2.2. Тегишли даражада сифатли бўлмаган маҳсулот келиб тушгани аниқлангандан кейин, бу ҳақда далолатнома ёзилиб, 24 соат ичида «Сотувчи»ни оголантириш.

6.2.3. Маҳсулотнинг баҳосини ушбу шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда тўлаш.

7. Тарафлар жавобгарлиги

7.1. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган ҳолларда, «Сотувчи» «Харидор»га кечиктирилган хар бир кун учун товар етказиб берилмаган маҳсулотнинг 0,5 фоизи миқдоридa пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

7.2. Агар етказиб берилган товарлар, бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар сифати, ассортимент ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонунчиликда ёки хўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, сотиб олувчи (буюртмачи) товарларни (ишларни, хизматларни) қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, етказиб берувчидан (пудратчидан) сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар (ишлар ва хизматлар) қийматининг 20 фоизи миқдоридa жарима ундириб олишга, агар товарлар (ишлар ва хизматлар) ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берганлик учун жарима етказиб берувчидан (пудратчидан) (пудратчидан) акцептсиз тартибда ундириб олинади.

7.3. Шартнома талабларида кўрсатилган сифатлардаги ҳамда бутлашдаги мол-мулк берилмаган бўлса «Харидор» етиштирган қисмлар қийматини қўшган ҳолда, «Сотувчи»дан бут бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи миқдоридa жарима ундиришга ҳақли.

7.4 Бут бўлмаган товарлар етказиб берилган тақдирда сотиб олувчи (буюртмачи):

товарларни бутлаб беришни талаб қилишга ҳақли. Етказиб берувчи сотиб олувчининг (буюртмачининг) талабини олган пайтдан бошлаб, агар тарафларнинг келишувида ўзга муддат белгиланган бўлмаса, ўн беш кунлик муддат ичида товарларни бутлаб беришни шарт, бундан буён товарлар бутлаб берилгунга қадар уларнинг ҳақини тўлашдан бош тортишга, агар товарларнинг ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, белгиланган тартибда тўланган суммалар қайтарилишини талаб қилишга ҳақли; етишмаётган қисмлар қийматини қўшган ҳолда, етказиб берувчидан бут бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундиришга ҳақли.

Товарларни етказиб берувчи белгиланган муддатда товарларни бутлаб бермаса, сотиб олувчи (буюртмачи) бут бўлмаган товарларни қайтариб беришга ҳамда бут бўлмаган товарларни бут товарларга алмаштиришни талаб қилишга ҳақлидир.

7.5. Етказиб берилган товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун сотиб олувчи (буюртмачи) етказиб берувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

7.6. Тарафларнинг жаҳобгарлик ҳолатлари Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тугрисидаги» Қонуни бўйича амалга оширилади.

7.7. Жарима тўлаш тарафларни шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

8. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ШАРТЛАШУВ

8.1. Ушбу шартноманинг ҳар бир томони ўзига нисбатан қўлланиладиган барча, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик ва норматив ҳужжатларидаги Коррупцияга қарши тегишли шартлар ва талабларни тушуниши ҳақида бир-бирини ишонтиради ва уларга амал қилишини қафолатлайди. Истеъмомчи ушбу шартнома амалда бўлган бутун давр мобайнида у (шунингдек унинг мансабдор шахслари, директори, ходимлари, агентлари ва бошқа вакиллари) Таъминотчи корхонанинг манфаатларида унинг агенти ёки вакили сифатида ҳаракат қилиб, Таъминотчи корхонанинг ҳамда Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик ва норматив ҳужжатларининг Коррупцияга қарши тегишли шартлари ва талабларига қатъий риоя этиш мажбуриятини олади.

8.2. Томонлар мазкур шартноманинг амал қилиш даврида ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан боғлиқ равишда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашишини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари нормаларини бузиш мумкин бўлган ҳар қандай хатти-ҳаракатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларни қатъий эътироф этган ҳолда, ўзаро ҳамкорлик маданиятини юқори даражада таъминлаш ва коррупция ҳолатларига муросасиз курашиш чораларини қўради.

9. Форс-мажор ҳолатлари

9.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга қўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. Уруш эълон қилиниши ёки бошланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер кимираши, сув тошқини, ёнгин ва бошқа табиий офатлар шулар жумласидандир.

9.2. Агар баргараф қилиб бўлмайдиган куч уч ой узлуксиз давом этса, тарафлар, бир-бирини ёзма равишда огоҳлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиши мумкин.

10. Низони ҳал қилиш тартиби

10.1. Ушбу шартномада ёки унга боғлиқ масалалар юзасидан келиб чиқадиган барча низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан ҳал қилинади.

10.2. Тарафларнинг келишуви билан ҳал қилиб бўлмайдиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Иктисодий суди орқали ҳал қилинади.

11. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар қиритиш тартиби

11.1. Ушбу шартномага киритилган барча ўзгартириш, қўшимчалар фақат иккала тараф томонидан ёзма равишда тузилиб, имзо қўйилиб, газначилик бўлимидан рўйхатдан утказилгандан кейингина юридик кучга эга бўлади.

11.2. Шартномани тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Иктисодий судига мурожаат қилини ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилини мумкин.

12. Бошқа ҳолатлар

12.1. Ушбу шартнома иккала тараф учун бир хил юридик кучга эга бўлиб икки нусхада тузилган.

12.2. Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-594 сонли қарорига мувофиқ Газначилик бўлимида рўйхатга олингандан кейин қонуний кучга киради.

12.3. Тарафларнинг бошқа талаблари:

12. Тарафларнинг юридик манзилгоҳи ва тўлов реквизитлари

ART CARONA XK	ХОРАЗМ ВИЛОЯТ ПЕРИНАТАЛ МАРКАЗИ
Манзили: Хоразм вилояти Урганч тумани YANGIASR	
Тел/факс: 884880606	
х/р: 20208000905288444001	
ИНН: 307799567	
ОКОНХ:	
МФО: 00570	
Банк: УРГАНЧ Т., "МИКРОКРЕДИТБАНК" АТБ КОРОВУЛ ФИЛИАЛИ	

М.Ў. Э.САПАРОВ



М.В.

С.А.МАТЯКУБОВА



Ҳеёл Қудайберганаев